



**“SHARQ-U G‘ARB RENESSANS ADABIYOTI:  
NAVOIY VA SHEKSPIR”**

**mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya  
materiallari  
2022 yil, 22-iyun**



**Articles of international scientific-theoretical  
conference on  
“EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:  
NAVOI AND SHAKESPEARE”  
June 22, 2022**

**TOSHKENT - 2022**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI  
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI  
O‘ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI  
JAHON ADABIYOTI VA UNIVERSAL ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI

**“SHARQ-U G‘ARB RENESSANS ADABIYOTI:  
NAVOIY VA SHEKSPIR”**

*mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya  
materiallari  
2022- yil, 22-iyun*



MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
ALISHER NAVOI TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND  
LITERATURE  
FACULTY OF UZBEK PHILOLOGY  
DEPARTMENT OF WORLD LITERATURE AND UNIVERSAL  
LITERARY STUDIES

*Articles of international scientific-theoretical conference on*  
**“EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:  
NAVOI AND SHAKESPEARE”**  
*June 22, 2022*

TOSHKENT – 2022

**UDK 821.512.133.08-03**  
**KBK 84(50‘)**

“Sharq-u G‘arb Renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir” mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. – Toshkent: “Firdavs-Shoh nashriyoti”, 2022-y. 696 b.

**ISBN 978-9943-7238-4-9**

***Mas‘ul muharrir:***  
*Shuhrat Sirojiddinov,*  
*filologiya fanlari doktori, professor*

***Tahrir hay‘ati***

Shuhrat Sirojiddinov (O‘zbekiston), Fatma Achik (Turkiya), Uzoq Jo‘raqulov (O‘zbekiston), Almaz Ulviy (Ozarbayjon), Suvon Meli (O‘zbekiston), Munavver Tikcan (Turkiya), Nurboy Jabborov (O‘zbekiston), Shafiqa Yorqin (Afg‘oniston), Nafas Shodmonov (O‘zbekiston), Jannat Aymuxambet (Qozog‘iston), Dilmurod Quronov (O‘zbekiston), Iroda Siddiqova (O‘zbekiston), Gulnoz Xalliyeva (O‘zbekiston), Dilnavoz Yusupova (O‘zbekiston).

Mazkur “Sharq-u G‘arb Renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir” mavzuidagi tadqiqotlar to‘plamida jahon xalqlari Renessans adabiyotiga oid komparativistik muammolar haqida so‘z yuritilgan. To‘planning “Sharq-u G‘arb adabiyoti genezisi va umumnazariy muammolari”, “Navoiy va Shekspir: poetik o‘ziga xoslik, ijodiy universallik”, “G‘arb adabiyotida Sharq mavzusi talqinlari”, “Sharq va G‘arb adabiyoti qiyosiy adabiyotshunoslik kontekstida” singari bo‘limlaridan jahon adabiyotshunosligi, adabiy tanqidi tarixi, qiyosiy adabiyotshunoslik masalalaridan bahs yurituvchi maqolalar o‘rin olgan. Eng muhimi, chop etilgan tadqiqotlarning barchasida jahon Renessanslari tarixi va Uchinchi Renessansni bunyod etish muammolari xususida fikr yuritiladi.

Ilmiy to‘plam adabiyot nazariyasi, adabiy tanqid, adabiyot tarixi, qiyosiy abiyotshunoslik, tarjima nazariyasi, tarjimashunoslik bilan shug‘ullanayotgan mutaxassislar, shuningdek, barcha adabiyot ixlosmandlari uchun mo‘ljallangan.

Ushbu to‘plamda “Sharq-u G‘arb Renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir” mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjumanga yuborilgan maqolalar jamlangan.

To‘plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2022-yil 15-iyundagi navbatdan tashqari yig‘ilishi qaroriga asosan nashrga tavsiya etilgan.

**Mualliflar qarashlari tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Ислом ЁҚУБОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор  
(ТошДЎТАУ, Ўзбекистон)

## АЛАМЛИ СЕВГИ ҚИССАСИ ЁХУД ХУСУМАТ ҚУРБОНЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада В.Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” фожиаси драматург яхлит ижоди ва адабий жараён контекстида тадқиқ этилган.

**Abstract.** The article analyzes William Shekspeare’s tragedy “Romeo and Juliet” in the context of the playwright’s integral work and literary process.

**Калит сўзлар:** трагедия, мифология, ҳаёт ҳақиқати, ошиқ, маъшуқа, конфликт, абсурд, киноя, романтик пафос, корнавализация, тарихий реалия, бадий версия, сюжет, композиция, динамизм, поэтик услуб

**Keywords:** tragedy, mythology, life reality, lover, mistress, conflict, absurdity, satire, romantic pathos, carnivalization, historical reality, artistic version, plot, composition, dynamism, poetic style.

Ўлмас асарлари билан жаҳон театри сахналарини забт этган кенг кўламли драматург Уильям Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедияси 1935 йилда миллий сахнамизда пайдо бўлиши билан унинг даҳоси ҳам ўзбек томошабини томонидан кашф этилди. Шундан кейин юртимиздаги ўзбек ва рус театрларида драматургнинг “Отелло“, “Ромео ва Жульетта“, “Юлий Цезар“, “Қирол Лир“, “Кориолан“, “Вероналик икки йигит“, “Қийиқ қизнинг куйилиши“, “Ёз тунидаги ғаройиб отлар“ сингари асарлари муваффақиятли сахналаштирилди. Шекспир асарларини бевосита ва билвосита таржима этиш тажрибаси ўзлаштирилди. Бу йўсинда Чўлпон, Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Туроб Тўла, Қодир Мирмухамедов, Жамол Камол каби мутаржимлар фаоллик кўрсатишди.

Жаҳон адабиётшунослигида В.Шекспирнинг даври, ҳаёти ва ижоди, асарларининг юзага келиш омиллари, ижодкор феномени каби масалалар кенг ўрганилган. Тадқиқотчилар В.Шекспир оилавий ҳаётини “Хэмптон-Люси” ва “Муқаддас Троица” ибодатхоналари “*Кирим-чиқим дафтар*”лари билан; ижодини эса қадимги мифология, Рим тарихи, Уйғониш даври маданияти, хусусан Рафаэль Холинshedнинг “Англия, Шотландия ва Ирландия хроникаси”,

Плутархнинг “Қиёсий ҳаётномалар“, Маттео Банделлонинг Италия Уйғониш даврига оид ҳикоялари билан чоғиштиришган.<sup>1</sup> Бу каби қиёслашлар бежиз бўлмай, ушбу мақолада таҳлил ва тадқиқ этилаётган “Ромео ва Жульетта” фожиасининг бир ўрнида Рим мифологиясида бошига қуёш чамбараги таққан, манглайда нурлар тожи чарақлаган, ўнг қўлида машъал кўтарган, қанотли (баъзан қанотсиз) отлар кўшилган аравада худолар ва одамларга кундузни олиб келган тонг маъбудаси Аврора<sup>2</sup> номи эслатилади. Шекспир яна бир ўринда Тангри Купидо номини тилга олади. Маълумки, Купидо – Афродитанинг ажралмас ҳамроҳи ва ёрдамчиси бўлиб, қадимги юнон мифологиясида севги худоси – ер юзида ҳаётнинг давом этишини таъминловчи севги жозибасининг тимсолидир. У қўлларида оловли машъал ушлаган, садоғига севги ўқлари жойланган ҳолда тасаввур қилинган. Шунингдек, драматург Рим мифологиясида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, овчилик, аёллик, унумдорлик маъбудаси бўлган Дианани эслайди. У Ой тимсоли бўлиб, юнончада Артемида ва Селенага мос келади. Албатта, бундай тасвирлар фожиа қаҳрамонлари руҳиятини очишга хизмат қилдирилади. Ёки биргина Плутарх биографик асарлари мисолида кузатилганида ҳам, уларда: Лисандр ва Сулла, Китон ҳамда Ликулл, Никий ва Красе, Агесилай ва Помпеи, Александр ва Цезарь, Демосфен ҳамда Цицерон сингари машхур юнон, Рим давлат ва сиёсат арбоблари, саркардалари ҳамда нотикларининг ҳаёт йўллари, хулқ-атвори, турмуш тарзини қиёслаш орқали таржимаи ҳоллари баён қилинган эди. Шунингдек, қадимги Эрон, Парфия ва Суғдиёна сингари Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир маълумотлар ҳам ёритилганди.

Биобарин, Плутарх илгари сурган инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари кейинги даврларнинг илғор тафаккур соҳиблари, хусусан В.Шекспир ижодига ҳам муайян даражада ўз таъсирини ўтказганди. Қолаверса, бу типдаги тадқиқотлар бир неча мактуб ва ишқий номалари истисно қилинганида, на автобиография, на

<sup>1</sup> Raphael Holinshed // <http://www.nationaltrustcollections.org.uk/>; Шекспир В. Полное собрание сочинений. Том.1-8. – М.: 1957-1960; Шекспир. Асарлар. 1-5 жилдлар, – Тошкент, 1981-1985; Аникст. Шекспир. – М.: 1964; Аникст. Шекспир. Ремесло драматурга. – М.: 1974; Қаюмов О. Уильям Шекспир. – Тошкент, 1964; Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. – Тошкент, 1971; Дейч А. Аброр Ҳидоятонинг уч қаҳрамони [Ўзбекистон қалби] – Тошкент, 1974; Барг М.А. Шекспир и история. – М.: 1976; Уильям Шекспир. Сайланма. Уч жилдлик. Инглиз тилидан Ж.Камол таржимаси. – Тошкент, Фан, 2007-2008; Маҳмуд Ж. Биз билган ва билмаган Шекспир.//Жаҳон адабиёти. 2019, 1-сон ва б.

<sup>2</sup> Таруашвили Л. И.// А – Анкетирование. – М.: Большая российская энциклопедия, 2005. – С. 90. – ([Большая российская энциклопедия](#): [в 35 т.] / гл. ред. Ю.С. Осипов; 2004-2017, т.1); [Аврора, в мифологии](#) // [Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона](#): в 86 т. (82 т. и 4 доп.). – СПб., 1890-1907.

мемуар ва кундалик каби ишончли маълумотлар ёзиб қолдирмаган, ҳатто поэтик асарлари, қўлёзмалари ҳам топилмаган бир тарихий шахс ҳақида Аберствуд университети “Ўрта асрлар адабиёти” факультети олимлари – Жейн Арчер, Ричард Мак Граф Тюрлей ва Ховард Томаслар кузатувлари негизида Шекспир шахсияти борасида юзага келган “Шекспир саволи”ни бир қадар ойдинлаштиради<sup>1</sup>. Роберт Шейелсом томонидан тузилган “Британия ва ирландиялик буюк шоирларнинг ҳаётини лавҳалари”, Фрэнсис Мерезнинг “Илоҳий арифметика” китоблари эса унинг шахсияти, турли давр ва шароитда яратилган асарларининг манбалари, бадиий маҳорати, услуби, дунёқараши ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради.

Шекспир “Қироллик мактаби”да таҳсил олган йилларидаёқ Леонхардус Кулмануснинг “Болалар учун насихатнома”, Эразм Роттердамскийнинг “Катона” китоблари, Эзоп масаллари, Теренций, Плавт, Овидий, Вергилий ҳамда Гораційлар ижодини ўрганган. У Лондонга кўчиб келган даврда Англия Уйғониш даврининг қайноқ палласига кирганди. Инсонпарварлик ғояларини илгари сураётган янги кўринишдаги фалсафий оқим Шекспирнинг инсон ўз-ўзини англаш орқали табиат ва жамиятга таъсир эта олиш салоҳиятига эга эканлигини ҳис қилиши – дунёқараши ва эътиқодига таъсир ўтказди.

Табиийки, Шекспир ақидапарастлик ва бидъатчиликка қарши курашди. У тарихий-адабий жараёндан четда турмади. Роберт Грин асарларидан тарихий ва афсоний мавзулар уйғунлиги, воқеа ва ҳодисалар ўзгариши ҳамда ташқи кучларнинг асар мазмунига таъсирини ўрганди. Кристафор Марло фожиалари мазмун-меҳваридаги шахснинг ички руҳий ҳолатларидан келиб чиқувчи эҳтиросли лаҳзалар, шахс ва жамият ўртасидаги мувозанат бузилиши ва издан чиқиши жараёнлари поэтик тасвирларини ижодий ўзлаштирди. Шекспир ҳар икки шоир услубидан ўринли фойдаланаркан, ўз асарларини шахс ва жамият муаммолари, инсонлар ва маъбудлар ўртасидаги тўқнашувлар, шафқатсиз ҳаёт ва қисмат мавзулари билан янада зийнатлади.

Умуман, Шекспир ҳар икки драматург асарларидан пьеса ёзиш сирлари, драматик вазиятларни келтириб чиқарувчи омиллар, қаҳрамонларнинг ички ҳолатини **МОНОЛОГ**лар орқали томошабинга

---

<sup>1</sup> <https://litvek.com/avtor/24475-avtor-dzheyn-archer>; <https://travelask.ru/blog/posts/22371-kak-zarabatyval-shekspir-esli-teatr-byi-ego-hobbi>; Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида (О.Шарафиддинов таржималари. – Т.:Маънавият, 2010.

етказиш ва уни ҳам ҳайратга, ҳам ларзага солиш маҳоратини ижодий ўзлаштирди. Шоирлик салоҳиятини сахна асарлари ёзишга йўналтириб, сахнабоп шоҳ асарларини яратди. Натижада, римликлар *Плавт ва Сенэгани қандай ардоқлашган бўлишса, инглизлар ҳам антик адабиёт ва Англия тарихи теран билимдони, юксак ижодий тафаккур соҳиби Шекспир драматургиясини шундай юксак баҳолашга ҳақли бўлишди. Кенг маънода, драматург асарлари жаҳон бадиий тафаккури ва тамаддунининг ажралмас қисми, барча эллар ва элатлар маданияти, маънавиятига дахлдордир.*

Маълумки, адабиётшунослар В.Шекспир драматургик ижодини тўрт даврга бўлиб ўрганишни маъқул кўришади. “Ромео ва Жульетта” (1594-1595) фожиаси шу таснифнинг иккинчи даврида юзага келган. Икки оила ўртасидаги ўзаро можаролар бебахт ошиқ маъшуқа фожиали ўлиmidан сўнг барҳам топади. Ёш қаҳрамонлари Ромео ва Жульетта бугунги кунда севишганлар рамзига айланган, жаҳон театрларида кўп бора сахналаштирилган ушбу пьеса ўзбек тилига Мақсуд Шайхзода ва Жамол Камол томонидан таржима қилинган<sup>1</sup>.

Аслида, бу типдаги севги қиссаси сюжети – ўзаро ихтилоfli оилалар фарзандларининг фожиали қисмати илк бор Рим шоири Овидий томонидан битилган эди. В.Шекспир асари Артур Брук томонидан 1562 йилда шеърий усулда таржима қилинган “Ромеус ва Жульеттанинг фожиали тарихи” номли италян ривояти ҳамда Уильям Паинтер 1567 йилда насрий усулда битган “Роҳат саройи” асари версиясига асосланган. Муаллиф драматург сифатидаги қобилиятини кўйидаги жиҳатларда намоён этади:

- а) шеърий драматик структурадан фойдаланиш;
- б) вазият-ҳолатлар тасвирида тарангликни ошириш учун комедия ва трагедияни кетма-кет келтириш;
- в) иккинчи даражали қаҳрамонларни кенг ёритиш;
- г) кичик ҳикоялардан баракали фойдаланиш ва таянч манбаларда мавжуд бўлмаган Марсутио ва Парис образларини қўшиш орқали сюжет линиясини янада бойитиш;
- д) ҳар бир қаҳрамон характерини ўзига хос услубда баён қилиш – Ромео сонет айтиш қобилиятида кузатилган динамизм каби поэтик услубни доимо ўзгартириб, такомиллаштириб бориш;

---

<sup>1</sup> Уильям Шекспир. Танланган асарлар. Беш жилдлик. Биринчи жилд. М.Шайхзода таржимаси. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, – Тошкент, 1981; Уильям Шекспир. Сайланма. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси. Фан нашриёти, – Тошкент, 2008. – Б. 5-151.

е) сюжет воқеаларини Артур Брукники сингари тўққиз ой муддатга чўзиш эмас, балки беш кунга сиғдириш;

ё) фаслларни ўзгартириш ва ёрқин сахналарни қайта кўриб чиқиш;

ж) диалог ва монологларни қайта ишлаш.

Драматург оғзаки афсонага айланган тарихий реалия бадиий версиясини ёрқин образлар орқали ижодий талқин қилган. Асрлар синовидан ўтган бу оригинал асар параллел зиддиятларга асосланган халқали композицияга қурилган бўлиб, романтизм методидида битилган беш пардали трагедиядир. Унда икки меҳрибон инсон ишқ ва ўлимни теран ҳис қилган ҳолда, жамиятнинг мавжуд тартиблари ва шарт-шароитлари билан мардона курашга отланишади. Инсон ҳаёти тўла бўлиши, кўнгил тилаklarини рўёбга чиқариши учун унда қулай шарт-шароит, танлаш имконияти бўлиши лозим. Агар эътибор берсак, асардаги барча қаҳрамонлар ўз имконияти даражасида бир-бирини севади ва ардоқлайди. Хатоларини эътироф этиб, биродарлик йўлини тутган эр-хотин Монтеки ва Капулеттилар, она-қиз, Энага ва Жульетта, эзгулик йўлида азалий удумларга зид борган роҳиб Лоренсо, Ромео ва Жульетта сингари қаҳрамонларни пировардида ўзаро ҳурмат ва муҳаббат бир-бирига боғлаб туради. Аммо жаҳл, қасос, кечиримсизлик ҳислари ҳам шу туйғу билан ёнма-ён яшайди. Яъни ишқ ва ўлим бир орбитада доимий ҳамроҳ.

Англашиладики, В.Шекспир трагедияда ҳаёт ва унинг маъноси, муҳаббат ва эрк учун курашда севги ва муҳаббат ғалабаси учун жамият тартибларини рад этиб, муносабатларни биродарлик асосида қайта қуради. Шундай бўлса-да, асардаги яширин никоҳ, турли даражадаги қасос ва қотилликлар, корнаваллизация – Ромеонинг ўзга қиёфасида маскарадда иштирок этиши, руҳонийнинг қисматни алдашга уриниши каби вазият-ҳолатлар драматург дунёқарашида адабиёт ва санъатда қадимги грек мифологияси титани – барча маданий неъматлар кашфиётчиси, одамзотга муҳаббати учун қатл этилса-да, руҳан синмаган жасур Прометей культидан бошланган<sup>1</sup> Эсхил, Аристофан, Антифан, Софокл, кейинчалик Жорж Байрон, Перси Шелли, Николай Огарев, Тарас Шевченко ижодларида муваффақиятли давом қилдирилган инсон эрки учун мавжуд дунёни қайта ташкил этиш истаги мавжудлигини тасдиқлайди. Ошиқ-маъшуқа заминий ҳаётда ҳамдам-ҳамнафас бўлолмаслиги Шекспир яшаган ижтимоий-маиший ҳаёт ва ахлоқ нормалари билан ҳам изоҳланади.

<sup>1</sup> Лосев А.Ф. Проблема характера и реалистическое искусство. – М.: 1976. Гл. 7. Стр. 226-297.



Трагедия структур таркиби носимметрик қарама-қаршиликка таянади. Илк пардада хизматкорлар Самсон, Григорио ва Абрам; кейингиларида жиянлар, адоватли оила бошлиқлари: дуэллар, жанжаллар ва ниҳоят қотилликлар. Асар ниҳоясида эса, азалий кийн-адоватни биродарлик билан алмаштирган Монтеки ва Капулеттилар...

Албатта, уларнинг бегуноҳ курбонларга олтин ҳайкал тиклаш истақлари негизида ҳар кимга ўзига яраша ажру мукофот улашган кўкнинг қудрати баробарида, қилмиш учун қилинган тазарру ва катта ҳаёт ҳақиқати ётади. Зотан Шекспир ўз қаҳрамонларини иштиёқ, муҳаббат, ор-номус, виждон бекатларидан олиб ўтади. Уларнинг айна масалалар теграсидаги монологлари фожа композициясида залворли ўрин туттади.

Асар жожеий яқунга эга бўлса-да, драматург реал ҳаётда ҳал қилиш маҳол бўлган конфликтларга гоҳ нозик ҳазил-мутойиба, майин киноя, гоҳида ишқий эҳтиросларнинг романтик юксак пафослари, турли саргузаштлар, ҳатто леторгик уйқу ва ўлимни қўяди ва пировардида сатирик характердаги гўзал поэтик ечим топади. Чунки семантик мазмун-моҳиятга кўра жисман маҳв бўлган севишганлар маънавий ғалаба қилишади. Бу инсон қалбидаги қасоскорлик ва ғазаб ҳислари устидан ишқ-муҳаббатнинг қозонган ғалабаси эди. Шунингдек, адоват узоқ давом этиши абсурд эканининг намоиши ҳам эди. Қайғули фожа ҳар қанча миқёсли тарзда содир бўлишидан қатъий назар, у бемаъниликка чек қўйди. Чин севги учун ҳеч қандай тўсиқ йўқлигини кўрсата олди. Китобхон ва томошабинда келажак насллар бахтли истиқболига умид уйғотди.

Кўринадики, юксак ахлоқий-маънавий муаммоларни бутун драматизми билан бадий талқин қилиш Шекспирнинг бутун ижодини нурлантириб турувчи фазилатдир. Бу ҳолни биз мақола ҳажмидан келиб чиқиб “Ромео ва Жулетта“ лирик фожиаси мисолидагина қисман кўриб чиқишга ҳаракат қилдик. Бироқ, сиёсий характердаги “Юлий Цезар“, интеллектуал трагедия бўлмиш “Ҳамлет“, эҳтирослар трагедияси ҳисобланувчи “Отелло“ каби асарлар синчиклаб кузатилганида, улар замирида наинки Ўрта асрлар, балки ҳозирги замон учун ҳам катта аҳамиятга молик бўлган ахлоқий масалалар ётиши ойдинлашади. Шекспир драматик конфликтлар орқали қаҳрамонларига ўзлигини топиш, маънавий-руҳий қудратини рўёбга чиқариш имконини беради. Ҳатто Отелло, Қирол Лир сингари адашган қаҳрамонлари онги ҳам фожа рўй бериб, муқаррар ҳалокат

яқинлашганидан кейингина нурланиб кетади. Шунга қарамай, уларнинг ҳар бири ва умуман Шекспир асарларининг қаҳрамонлари асосан катъий характерга эга бўлган, онги ва ахлоқий қарашлари шаклланган, воқеликка ҳушёр кўз билан қаровчи, кучли ва мард инсонлардир. Бу фикрни унинг Уйғониш даври романтикаси билан суғорилган, қишлоқ ҳаёти манзаралари тасвирланган, саргузаштбоп воқеалар, ғоят ўткир ва чуқур фикр-мулоҳазалар, пичинг ва ҳазил-мутойибаларга бой комедиялари марказида ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтувчи муҳаббат мавзуи ётиши ҳам тасдиқлайди.

### Адабиётлар:

1. Raphael Holinshed.<http://www.nationaltrustcollections.org.uk/>;
2. Шекспир В. Полное собрание сочинений. Том.1-8. – М. 1957-1960.
3. Шекспир. Асарлар. 1-5 жилдлар, – Тошкент, 1981-1985; Аникст. Шекспир. – М.: 1964.
4. Аникст. Шекспир. Ремесло драматурга. – М.: 1974.
5. Қаямов О. Уильям Шекспир. – Тошкент, 1964.
6. Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. – Тошкент, 1971;
7. Дейч А. Аброр Ҳидоятонинг уч қаҳрамони [Ўзбекистон қалби] – Тошкент, 1974;
8. Барг М.А. Шекспир и история. – М.: 1976.
9. Уильям Шекспир. Сайланма. Уч жилдлик. Инглиз тилидан Ж.Камол таржимаси. – Тошкент, Фан, 2007-2008.
10. Маҳмуд Ж. Биз билган ва билмаган Шекспир.//Жаҳон адабиёти. 2019, 1-сон ва б.
11. <https://litvek.com/avtor/24475-avtor-dzheyn-archer>;<https://travelask.ru/blog/posts/22371-kak-zarabatyval-shekspir-esli-teatr-byi-ego-hobbi>; *Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида(О.Шарафиддинов таржималари. – Т.:Маънавият, 2010.*
12. Уильям Шекспир. Танланган асарлар. Беш жилдлик. Биринчи жилд.М.Шайхзода таржимаси. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, – Тошкент, 1981; Уильям Шекспир. Сайланма. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси. Фан нашриёти, – Тошкент, 2008. – Б. 5-151.
13. Лосев А.Ф. Проблема характера и реалистическое искусство.–М.:1976.Гл.

<i>Абдуҳамид Холмуродов.</i> ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁНДА ИЖОДИЙ МУШТАРАКЛИК.....	158
<i>Олим Олтинбек.</i> РАУФ ПАРФИНИНГ ШЕКСПИРОНА СОНЕТЛАРИ .....	165
<i>Санобар Тўлаганова.</i> ШАРҚНИНГ ОЛТИН КЎПРИГИ .....	173
<i>Насиба Бозорова.</i> ҚОНУН АХЛОҚҚА ЗИД БЎЛСА... ..	180
<i>Адиба Давлатова.</i> АДАБИЙ ИЗДОШЛИК АНЪАНАСИ ВА ЯНГИЛАНИШ ЭҲТИЁЖИ .....	193
<i>Гулчехра Имомова.</i> ШАРҚ АДАБИЁТИДА АНЪАНАВИЙЛИК ВА ОБРАЗ САТҲИДАГИ БАДИИЙ СИНТЕЗ .....	199
<i>Ratila Süleymanova.</i> NİZAMİ GƏNCƏVİ ROYEMALARINDA HUMANİZM FƏLSƏFƏSİ.....	207
<i>Юлдуз Зияева.</i> НАВОИЙ ВА ШЕКСПИР: “ОШИҚ-МАЪШУҚА-РАҚИБ” УЧЛИГИ .....	211

## **2-ШЎБА. НАВОИЙ ВА ШЕКСПИР: ПОЭТИК ЎЗИГА ХОСЛИК, ИЖОДИЙ УНИВЕРСАЛЛИК**

<i>Умида Расулова.</i> ҚУРЪОНИЙ ҚИССАЛАР ҲИКМАТИ.....	218
<i>Комилжон Ҳамроев.</i> “САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ВА “ҲАМЛЕТ”ДА “БИЛИБ ҚОЛИШ” МОТИВИ .....	225
<i>Зилола Шукурова, Чинара Акматалиева.</i> РЕНЕССАНСНИЙ РЕАЛИЗМ В ЭПИЧЕСКОМ СТИЛЕ АЛИШЕРА НАВОИ .....	238
<i>Алишер Раззоқов.</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИДА “БУТ” РАМЗИНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ .....	246
<i>Муродил Мирзаев, Обиджон Каримов.</i> “ШАРҚ ВА ҒАРБ АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ТАРИХИДА ПОЭТИКА МАСАЛАСИ ТАЛҚИНИ.....	255
<i>Нигорахон Ўрмонова.</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ҒАРБ ТИЛЛАРИГА ТАРЖИМАЛАРИ ТАРИХИДАН .....	261
<i>Баҳор Тўраева.</i> «АСРНИ ҚАРИТГАН КУН» – ШЕКСПИР ТРАГЕДИЯСИДАН БИР МИСРА .....	265
<i>Сухроб Авезов.</i> ФАРҲОД ВА ҲАМЛЕТ ОБРАЗЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ .....	270
<i>Гулбаҳор Назарова.</i> НАВОИЙ ВА ШЕКСПИР ИЖОДИДА ПАРИ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ.....	276

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги  
томонидан 3996-сонли ТАСДИҚНОМА берилган.

Босишга 2022 йил 19 июнда рухсат этилди.  
Бичими 60x84 1/8 . Офсет қоғози.  
Офсет босма усулида босилди. Times New Roman гарнитураси.  
Шартли босма табоқ 43,5. Адади 500 нусха.

Оригинал макет “FIRDAVS-SHOH NASHRIYOTI” да тайёрланди.  
Тошкент ш., Навоий, 30.тел.: +98990-372-85-17